

АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРИДА ФАРЗАНД ТАРБИЯСИ ҲАҚИДАГИ ПЕДАГОГИК ҚАРАШЛАРИ

Сабирова Мавлуда

Ажиниёз номидаги НДПИ, Педагогика кафедраси катта ўқитувчиси

Тангирбергенова Мехрибан

Ажиниёз номидаги НДПИ, Педагогика кафедраси ассистент ўқитувчиси

Калит сўзлар: фарзанд тарбияси, меҳр-муҳаббат, таълим-тарбия, ривожланиш, пойдевор, ижтимоий институт.

Аннотация: Оилада авлодларнинг ўзаро тарбиявий таъсири масаласи буюк мутафаккир – шоир Алишер Навоий меросида ҳам муносиб ўрин эгаллайди. Ушбу мақолада Алишер Навоий асарида фарзанд тарбияси ҳақидаги педагогик қарашлари бўйича сўз юритилади.

Ключевые слова: воспитание ребенка, любовь, образование, развитие, основа, социальный институт.

Аннотация: Вопрос взаимного воспитательного влияния поколений в семье занимает достойное место в наследии великого мыслителя – поэта Алишера Навои. В данной статье рассматриваются педагогические взгляды на творчество Алишера Навои по вопросам образования детей.

Key words: raising a child, love, education, development, foundation, social institution.

Annotation: The issue of mutual educational influence of generations in the family occupies a worthy place in the heritage of the great thinker - poet Alisher Navoi. This article discusses pedagogical views on the work of Alisher Navoi on issues of children's education.

Оила жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий ва демографик ривожланишига пойдевор бўладиган асосий ижтимоий институт ҳисобланади.

Маълумки, Ўрта Осиёда оила, оилада бола тарбияси, болани комил инсон қилиб тарбиялашда авлодлар ўзаро тарбиявий таъсирини ҳисобга олиш масаласи ҳамма даврларда долзарб аҳамият касб этган. Ана шу етакчи ғоя энг қадимги даврлардан бугунги кунгача яратилаётган барча педагогик адабиётларда етакчи ўрин эгаллайди.

Биз оилада фарзанд тарбиясини ўрганар эканмиз, энг аввало олимларимиз тадқиқ қилган, фарзанд тарбияси ҳақида айтган фикрларини, қарашларини билишимиз биз учун ҳам қарз, ҳам фарз деб ҳисоблаймиз.

Оилада авлодларнинг ўзаро тарбиявий таъсири масаласи буюк мутафаккир – шоир Алишер Навоий меросида ҳам муносиб ўрин эгаллайди. У ўзининг қатор

асарларида таълим-тарбия масалалари умуминсоний ғоя эканлигини ўртага сурди. Унинг фикрича, жамиятнинг етуклиги, унинг тақдири ва келажаги ёшлар камолоти билан боғлиқдир, шунга кўра бола тарбияси ота-оналар олдида турган олижаноб вазифасидир, дейди.

Алишер Навоий ота-онанинг тинч-тотувлиги ва ўзаро меҳр-муҳаббати, бир-бирига монанд эр-хотин тарбиялаган фарзандлар гўзалликка иштиёқманд, руҳан тетик, бағри бутун, ҳаётга қизиқувчан, тинч-тотув оилавий ҳаёт кечиришга тайёр бўлиб ўсишларини айтиб, қуйидагича фикр билдиради: “.....Эр билан хотин бир-бирига мос тушса, ўртада бойлик ва саранжомлик бўлур. Уй безаги ундан ва уйланганнинг тинчлиги ундан.

Хусни бўлса, кўнгилга ёқимли бўлур, яхшилиги бўлса, жон озиғидир. Ақлли бўлса, турмуш интизомли ва рўзғор керак-яроғи тартибли ва саранжомлик бўлади.

.....Носоз жуфт уй учун ҳам аччиқ ва яширин кўрқинчли касалликдир. Уятсиз бўлса, кўнгил ундан озорланади, ярамас бўлса, руҳ ундан азоб тортади. Тили ёмон бўлса, куёвнинг кўнгли яраланади. Ёмон ишлик бўлса, эрга юз қаролик келади.

Майхўр бўлса, уй ободлиги йўқолади ва бузуқи бўлса, уй ичи расвогарликка айланади”.

Алишер Навоий оилада фарзанд тарбияси ҳақида фикр баён этар экан, ота-онанинг фарзанд олдидаги бурчини шундай изоҳлайди: “Ёш болага нисбатан энг зарур иш, билки уни кичкиналигидан парвариш қилишдир. Қатрани садаф тарбия қилгани учун одамларнинг бошига чиқиб шараф топди.

Тарбиянинг бири болага яхши ном (исм) қўйиш бўлиб, унинг исми билан чақирганларида уяладиган бўлмаслиги керак. Исмда тасодифлар кўп пайдо бўлади, бирининг исми Хусайн бўлса, бошқа бирининг исми Язид.

Тарбиянинг яна бири унга илму адаб ўргатиш учун муаллим чақиришдир.....”.

Алишер Навоий ота билан она, ота-она ва фарзандлар, оиланинг бошқа аъзолари ўртасида мулоқотни тартибга солиб туриш масаласига ҳам жиддий муносабат билдиради: “Ул кўнгилгаким қаттиғ сўздин решдек бўлғай, аччиқ тил захр олур нешдек бўлғай. Кўнгулда тил синони жараҳати бутмас, анга ҳеч нима марҳам ерин тутмас. Ҳар кўнгулки, тил синонидан жароҳатдур ҳам юмшоқ сўз ва ширин тил анга марҳам ва роҳатдур. Мулойим такаллум – ваҳшийларни улфат сари бошқарур, фусунгар афсун била йилонни тушукдин чиқорур”.

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтганда, Навоий асарларида келтирилган фикрлар фарзанд тарбиясида жуда муҳим омил бўлиб хизмат қилишига ишончимиз комил.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбек педагогикаси антологияси – Т.: Ўқитувчи, 1995. – Б.141.
2. Алишер Навоий. Махбуб ул-қулуб. Асарлар. 13-том – Т.: Гафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1966, 201-бет.